

---

## Ўзбекистон туманида болалар тиббий кўрикдан ўтказилди

Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази мутахассислари томонидан Ўзбекистон туманида “Д” назоратидаги болаларга малакали тиббий ёрдам ташкил этилди.

Бу ҳақда Фарғона вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот хизмати хабар бермоқда.

Невропатолог, кардиоревматолог, аллерголог, пульмонолог ҳамда педиатрлардан ташкил топган мутахассислар тумандаги 74-сонли оилавий поликлиникада, шунингдек, “Д” назоратида турган ва мутахассислар ёрдамига муҳтож бўлган 88 нафар ёш беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатдилар.

Кўрилган болаларнинг 2 нафарини вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида стационар даволанишга, қолганларига амбулатор тавсиялар берилди.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2021-05-24 10:26:00